

Хар тунинг қадр ўлубон,  
Хар кунинг ўлсун Наврўз!

Алишер Навоий

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

11 (1537)-son  
18-mart  
2022

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## WEB-FULLSTACK

Тренинг ва маҳорат дарслари

Тошкент шаҳридаги Амита университетида Albison академияси билан ҳамкорликда ва АКТ вазирлиги қўмағида 15 ёшдан 28 ёшгача бўлган хотин-қизлар учун Web-fullstack йўналиши бўйича бепул интенсив курс ташкил этилди.

Мазкур курснинг асосий мақсади – хотин-қизларнинг АКТ соҳасидаги салоҳиятини ошириш, уларни керакли билим ва кўникмаларга ўргатишдан иборат. Интенсив курс қисқа вақт ичида мобил ва веб дастурлаш асосларини ўргатишга мўлжалланган.

Курс доирасида иштирокчиларга қўшма ўқув материаллар тақдим этилади. Шунингдек, улар учун тренинг ва маҳорат дарслари ўтказилади. Курсда иштирок этиш учун қўйиладиган талаблар: IELTS даражаси 7+ дан паст бўлмаслик; шахсий ноутбукка эга бўлиш.

Дарслар Тошкент шаҳридаги Амита университетида 18:00дан 20:00гача офлайн тартибда ўтказилади.

Рўйхатдан ўтиш учун охири мuddат: 2022 йил 21 март.



## ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ЭНГ ЮҚОРИ ВА ПАСТ МАМЛАКАТЛАР

### Юқори

1. БАА – 195,52 Мбит/с.
2. Жанубий Корея – 192,16 Мбит/с.
3. Норвегия – 173,54 Мбит/с.

### Паст

1. Афғонистон – 7,07 Мбит/с.
2. Венесуэла – 7,41 Мбит/с.
3. Фаластин – 8,11 Мбит/с.



Манба: Speedtest Global Index

# ASTRUMHACK 2022

Ғолиб жамоага 20 миллион сўм мукофот топширилди



Тошкент вилоятида IT-Парк резиденти Аструм IT академияси томонидан АКТ ва дастурлашга қизиқувчи ёшлар учун ASTRUMHACK 2022 ҳақатони ўтказилди.

Ушбу ҳақатон 90дан ортиқ жамоаларни бирлаштирди, улар танлов шартларига кўра, турли соҳалардаги бизнес муаммоларини ҳал қилишга қаратилган рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқдилар. Ярим финалга 50та лойиҳа ишти-

рокчилари йўлланма олди, финал босқичида эса 10 нафар иштирокчи ўзаро беллашди.

Ҳақатон натижаларига кўра, фермер хўжаликлари учун Agro Dash рақамли тизимини ишлаб чиққан Phoenix жамоаси ғолиб бўлди. Уларга Unitel МЧК (Beeline Uzbekistan) томонидан тақдим этилган 20 миллион сўм миқдоридаги мукофот ва учта iPad смартфонни топширилди.

Иккинчи ўринни Where to go! лойиҳаси билан Avokado

жамоаси эгаллади ва 15 миллион сўмлик мукофотни қўлга киритди.

Учинчи ўрин Sehriyo жамоаси (смартфон орқали дори ичиш вақтини эслатиб турувчи Sehriyo Capsule лойиҳаси) га насиб этди. Жамоага 10 миллион сўмлик соврин топширилди.

Тадбир сўнгида VEON компаниялар гуруҳи мутахассислари томонидан ҳақатон иштирокчилари учун маҳорат дарслари ўтказилди.

## IT-Мотивация

# Дастурчиликда

ўзингизни синаб кўринг

Дастурчилик, “айтишник”лик... Аини кунларда ким билан суҳбатлашманг, энг долзарб мавзу шу:

– Ўғлим дастурчи бўлмоқчи, бу касбга қаерда ўқитишди?

– Неварамни дастурчи қилмоқчиман. Энди мусиқа ва санъат мактабига эмас, дастурчиликка ўргатадиган ўқув марказига қатна, деяпман. Тўғри қилипманми, йўқми, нима дейсиз?

– Дастурчи уйда ўтириб ҳам пул топавераркан. Шу ростми?

– Фақат юқори маошни деб касбини ўзгартирган инсон кейин афсус чекиб қолмайди?


– Дастурчи қандай фази-

латлар соҳиби бўлиши керак?..

Ана шу саволларнинг баъзиларига Ўзбекистондаги йирик нуфузли аутсорсинг UIC Group компанияси раҳбари Муродхўжа Муратовдан эшитганларимизни қисқача баён қиламиз: Ҳа, дастурчи кўп пул топади. Бу рост.

Уйда ўтириб ишлайдиганлар ҳам кўп. У қандай бўлиши керак, десангиз, аввало дастурчиликка чиндан ҳам қизиқиши керак. Ўқиши керак. Кимгадир

ўрганиш учун ярим йил, кимгадир сал кўпроқ кетади. Дастлабки кўникмаларни ҳосил қилган бўлса, турган гапки, камроқ вақт кетади. Астойдил ҳаракат бўлса бас. Бу касбларимизда ҳар қандай одам ҳам ўзини синаб кўрса ёмон бўлмайди. Ҳаммага ўзингизни дастурчиликда синаб кўринг, деган бўлардим. Фойдаси бўлса бўладики, зарари бўлмайди.





Жумадан  
жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Ушбу форум 24–26 март кунларига режалаштирилган бўлиб, унда халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар, 56та давлатдан 1 минг 500 нафардан зиёд йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 март куни sanoat кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди. Унда Германиянинг етакчи компания ва банклари билан савдо, инвестициялар, юқори технологиялар, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март куни иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, давлат корхоналарини трансформация қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини ривожлантириш, рақобат муҳитини яхшилаш мақсадида давлат корхоналари трансформация қилинмоқда. Йиғилишда бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва давлат активларини хусусийлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов ва сайланган Президентини Сердар Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 16 март куни Козогистон Республикаси Президентини Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Унда жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳодисаларнинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва савб-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 17 мартдаги 24-ялли мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳокама қилинди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



## UNESCO билан истиқболли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

Кеча, 17 март куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ҳамда UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили в. в. б. Александрос Макаригакис ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонда рақамли ривожлантириш бўйича комплекс режаларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорликни мустақамлаш юзасидан фикрлар алмашилди.

Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш, ёшларнинг АКТ саводхонлигини ошириш масалалари ҳам

муҳокама қилинди.

Мулоқот сўнггида UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили в. в. б. Александрос Макаригакис АКТ вазири билан қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳамда Ўзбекистондаги самарали ҳамкорликни янада сезиларли даражада оширишга тайёрлигини билдирди.

### Электрон тижорат

#### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси:

## “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди

Ахборот технологиялари ривожини ушбу соҳадан янада самарали фойдаланиш имконини яратмоқда. Айниқса, онлайн ва электрон тарзда турли амалиётларни бажариш қулай эканлиги билан ажралиб туради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кўриб чиқилди. Мажлисда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов қонун лойиҳасининг мақсади, концепцияси хусусида қуйидагиларни таъкидлади.

– Электрон тижоратда сотувчи ва оловчи бор. Аммо айрим ҳолларда товарни олиб, алдаб кетиш ҳолатлари бўлади. Ушбу қонунда ўзаро ишонч масаласи кўзда тутилмоқда. Шунингдек, рақамли тижорат амалиёти назарда тутилмоқда. Умуман, қонун лойиҳасидан асосий мақсад электрон тижорат соҳасини соддалаштириш, имкониятларни кенгайтиришдан иборат. Қонун лойиҳасида белгиланган нормалар электрон тижорат соҳасидаги тadbиркорликни ривожлантиришдаги керакисиз бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, иш-

билармонлик муҳитини яхшилашга, қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилади, – деди АКТ вазири Ш. Шерматов.

Мазкур қонун лойиҳасида электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг бир қатор ҳуқуқий жиҳатлари акс эттирилди.

Янги қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

– Электрон шартномалар тузишнинг аниқ тартиби, хусусан, умумий талаблар, электрон ҳужжатларнинг юридик кучи, офертага қўйиладиган талаблар, электрон ҳужжатларни сақлаш хусусиятлари, электрон битимни амалга ошириш тартиби, электрон шартномаларни тузиш шартларини белгилаш;

– электрон тижоратда тўловларни амалга оширишнинг рухсат этиладиган шакллари (нақд пул билан, банк ҳисобварағидаги маблағларни ўтказиш йўли билан, тўлов тизимлари воситалари ва электрон пул билан тўлаш)



белгилаш;

– электрон тижоратда харидорнинг шартлари тўлиқ қондирилмагунча ахборот тизимида пул маблағларини ушлаб туриш имкониятини берувчи пулни депонентлаш тизимини жорий қилиш;

– юридик шахслар билан бир қаторда ўзини ўзи банд қилган шахсларга электрон тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш;

– рақамли маҳсулотларни (операцион тизимлар, дастурий таъминотлар, онлайн хизматлар ва ҳ.к.) сотиш, экспорт ва импорт қилиш, уларнинг божхона расмийлаштируви тартибини жорий этиш;


– электрон тижоратда инсофсиз рақобатнинг

олдини олиш қоидаларини киритиш. Бунда, интернет тармоғида қалбаки ҳавола ва манзиллардан фойдаланиш, электрон тижорат субъектларининг бир-бири билан олдиндан келишиб олиш, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни таклиф этиш, ёлгон ёки чалғитувчи ўхшаш белгидан фойдаланиш, нотўғри таққослашлар тақдим этишни таъқиқлаш кўзда тутилган;

– электрон тижоратни амалга ошириш доирасида харидорларнинг ҳам ҳуқуқларини белгилаш.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

# UzPost – МИЛЛИЙ ПОЧТА ОПЕРАТОРИ



Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1992 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон почтаси” концернини ташкил этиш тўғрисида” ги 34-4-МЮР сонли буйруғига асосан 1992 йил 1 апрел санасида “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти ташкил топган. Бу йил миллий почтаамиз ташкил топганига 30 йил тўлди.

Ўттиз ёш – инсон умрининг айнаи гуллаган, навқирон ва шу билан бирга, оқ-у қорани таниб улгурган даври ҳисобланади. Ўзбекистон почтасининг 30 йиллик босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солар эканмиз, неча-неча паст-у баландликларга гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4921-сонли қарорига мувофиқ 2021 йил 14 декабрда “Ўзбекистон почтаси” АЖ ўз фаолиятида ребрендингни оммага ҳавола қилди ва айнан шу санадан бошлаб Ўзбекистон почтаси номи UzPost деб тан олинди. Кўк рангли саккиз қиррали юлдузча шаклидаги компания логотиби Ҳумо қуши тасвирланган олов ва кўк ранглардан иборат рамзий белгига ўзгартирилди.

Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятини трансформация қилиш, моддий-техник базасини такомиллаштириш ва иш фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, почта ва курерлик хизматларини кўрсатиш қўламини кенгайтириш, электрон тижорат, банк ва давлат хизматларини кўрсатишни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистон почтаси”-нинг мавжуд ахборот тизимлари янгиланди, тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича автоматлаштирилган тизим янгиланиб, AVVAL бренди остида ишга туширилди ҳамда унинг мобил иловаси ҳам яратилди. Бугунги кунда мазкур тизимда бодан ортиқ тўловларни қабул қилиш имконияти яратилди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бугун республика-мизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун 930га яқин почта алоқа объектларида 30 турдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

## UNISAVDO онлайн савдо майдончаси яратилди.

Электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида, Андижон вилоятининг Асака туманида, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида тўртта логистика маркази қурилиши бошланди. Мазкур логистика марказлари, энг аввало, интернет-савдо майдончалари эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этади ҳамда интернет-савдо майдонча орқали харид қилинган маҳсулотларни шунинг ўзида қисқа муддат ичида қадоқлаб, мижозларга етказиб бериш имкониятини беради.

Шунингдек, “Гибрид почта” тизими такомиллаштирилиб, Ягона миллий тизим жорий этилди. Гибрид почта хизматининг афзаллиги шундаки, давлат органлари ва ташкилотлари почта жўнатмаларини конвертга солиш, унга марка ёпиштириш, олувчининг манзилларини ёзиш ва почтага олиб келиш вазибаларидан ҳоли бўлишади.

Бунинг натижасида почта жўнатмасини етказиб беришдаги назорат муддатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал почта жўнатмалар энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига 6-8 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда 1-2 кун ичида етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда, 100дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ушбу хизматдан фойдаланмоқда. Гибрид почта жўнатмаларининг ҳажми 2020 йилга нисбатан 2021 йилда 2 баробар кўпайиб, 3,5 миллион донани ташкил этмоқда.

Почта жўнатмаларини етказиб беришдаги логистика тизими қайта кўриб чиқилди. Бунда почталонлар электроскутердан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини марказдаги почта саралаш бўлимидан

“боғлама-мижоз” схемаси асосида олиб, олувчиларга етказиб бериш механизми йўлга қўйилди, бунинг учун 500га яқин электроскутерлар билан таъминланди.

Натижада мижозларга кўрсатилган хизматлар сифати яхшиланди ҳамда почта жўнатмаларни етказиб бериш вақтини қисқартиришга эришилди, яъни аввал почталонлар томонидан почта жўнатмалар олувчиларга 2-3 кун ичида етказиб берилган бўлса, ҳозирги кунда электроскутер орқали бу иш 1 кун ичида бажарилмоқда.

Аҳолига почта алоқаси хизматларидан контактсиз ва қуну тун фойдаланиш имкониятини берадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 30 донга автоматлаштирилган почтааматлар ўрнатилди. Яна 150та почтаамат 2022 йил якунига қадар ўрнатиш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда ҳам “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кўрсатилган почта алоқаси хизматларини сифатини яхшилаш ва янги хизматларни жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖ таркибий жиҳатдан 165та туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари, 1803та почта алоқаси бўлимларидан (улардан 1358таси қишлоқ жойларида) иборат бўлган 14та минтақавий филиаллар, тўртта ихтисослаштирилган филиаллар – “Халқаро почтаамт”, “Халқаро тезкор почта”, “Ўзбекистон маркаси”, “Матбуот тарқатиш”ни ўз ичига олади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта жўнатмалари мунтазам равишда уч авиа, 303та автомобил йўналишлари бўйича етказиб берилмоқда.

## “Ўзбекистон почтаси” АЖ матбуот хизмати

## English for Science 2021

### TATU ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЮТУҒИ

Жорий йилнинг 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан ташкил этилган English for Science 2021 ўқув дастури сарҳисоби ва иштирокчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур дастур доирасида Тошкент ахборот технологиялари университидан тўрт нафар профессор-ўқитувчи (Ф.Нуралиев, Д.Гафурова, У.Гиесов, Қ.Медетова) иштирок этиб, сертификат билан тақдирландилар.

Тўққиз ой давом этган ушбу дастур доирасида Web of Science va Scopus маълумотлар базаларидаги нуфузли журналларда мақолалар чоп этиш, халқаро грантларга лойиҳалар тайёрлаш ва топшириш, халқаро конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этиш каби ютуқларга эришилди.

## Ислоҳот



### Қашқадарё: ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

Қашқадарё вилоятининг бориш қийин бўлган, алоқа қамрови мавжуд бўлмаган узоқ аҳоли масканлари юқори тезликдаги мобил интернет хизматлари билан қамраб олинмоқда.

Жумладан, 2022 йил март ойида вилоятнинг Миришкор туманида Coscom МЧЖ томонидан Гулистон (4378 нафар аҳоли истиқомат қилади) ва UMS МЧЖ томонидан Гулшанбоғ (2176 нафар аҳоли истиқомат қилади) масканларига 3G/4G стандартидаги янги таянч станциялари ўрнатилиб, ишга туширилиши натижасида аҳолининг кенг поласали интернет хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилди.

Гулистон аҳоли яшаш масканида ҳудуд аҳолиси учун SIM-карта сотиш хизмати ҳам ташкиллаштирилди.

## Учинчи ташаббус


# IT-марказга саёҳат

Термиз шаҳридаги информатика ва ахборот технологиялари фанига ихтисослаштирилган 16-мактабнинг 5-синф ўқувчилари учун Рақамли технологиялар ўқув марказига танишув саёҳати ташкил этилди.

Тақдирот давомида IT-марказ мутахассислари томонидан марка фаолияти, жорий курслар ва АКТ соҳаси ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан биргаликда, марказдаги мавжуд IT-English ва IT-Математика курслари билан ҳам бағависил таништирилди.

Шунингдек, туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ҳамда киберспорт йўналишидаги мусобақалар ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Талабалар мобил робототехника ва дастурлашга қизиқишларини ва ўз келажагини IT соҳаси билан янада боғлаш истагини билдирдилар.





Хўш, дастурчи қандай сифатларни ўзида камол топтириши зарур? Аввало, инглиз тилини билсин. Ўз устида доимий ишласин. Мунтазам равишда интернетдаги роликларни кўриб, адабиётларни ўқиб, ўрганиб борсин. Янгиликларни кузатишдан эринмасин. Ишидан нафақат қониқсин, ҳузур топсин. Булар жуда муҳим. Яна бир масала борки, бунга ҳам тўхталиб ўтай, яъни “айти” оламини мукамал эгалладим деб билим олишдан тўхтаб қолишдан, “Мен юлдузман” дея “юлдузлик” касалига мубтало бўлишдан сақлансин. Унутмасинки, “Ериб ташладим” деган иши ҳам бир пасда эскиради-қолади. Замон шиддати шунчаларки, ҳар куни ҳам гапми, ҳар дақиқа билим эскиряпти, энг сўнги ишланмалар ҳам эскиряпти. “Айфон 4” тақдирини эсланг. Бунга чиройли мисол бўла олади!

## ДАСТУРЧИЛИКДА ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Қанчалар зўр эди! Ундан ҳам зўрлари чиқди. Ҳа, бугун тер тўкиб ишлаган лойиҳамиз эртага эскириб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис соҳа тўхтовсиз изланишни, ўқишни тақозо этади. Ҳадиси шарифларда ҳам айтилганку, “Бешиқдан қабргача илм изла” деб! Яна бир масала: дастурчиликда “Бу ишни эртага қиламан” дейиш ҳам кетмайди. Чунки дастурчи бирор компанияда ишласа, эртасига ўша ишини тугатмай, бошқа жуда катта вазифа юкланса борми, бояги иши ниҳоясига етмай қолаверади.

Бизнинг жамоамизда фаолият юритиш ниҳоятда фахрли ва кўнглили. Негаки, барчамизнинг мақсадимиз ягона – биз бир оиладек аҳилликда, ҳамфикрликда ишлаймиз. Шу сабаб ҳар бир лойиҳа, ҳар бир вазифа, муваффақиятли амалга ошади. Кенгашишга кенг дунё, дейдилар-ку. Бирдамлик турган-битгани ҳикмат, ҳар қандай жойда қўл келади. Кимдандир тўхтаброқ қолган иш юришиб кетади. Умуман олганда, ҳамма жойда бўлганидек жамоа – катта куч. Ҳар қандай мураккаб иш ҳам тез, ўз муддатида адо этилади. Жамоадаги дўстлик, биродарлик иқлимни яратиш, дам олиш ҳам алоҳида аҳамиятга молик масала. Футбол, киберспорт, “Заковат” беллашувларимиз, ёқимли ҳордиқ туфайли миямизни эгаллаган

кераксиз майда ахборотлардан ҳоли бўламиз. Руҳиятимиз кўтариллади. Асосийси, жамоа жипслиги янада мустаҳкамланади ва ишга унум бағишлайди, самарадорлик ошгандан ошиб бораверади. Шуни ҳам таъкидлашим керакки, ҳаммамиз имкон борича кўпроқ шогирд чиқаришга интиламиз. Устоз-шогирд анъанасига қатъий риоят этамиз. Ўзбекона қадриятларимизни эъзозлаймиз, ҳар бир ишда менталитетни ҳисобга оламиз. Ютуқларимизнинг илдизлари ана шу миллийлигимизга бориб тақалади.

Дизайнерликнинг сирларини нозик жиҳатлари шунчалар бисёр эканки, компаниянинг таҳлилчиси жамоадаги исми жисмига монанд жасоратли тўққиз нафар Жасурбекларнинг бири – Жасурбек Пўлатовнинг, IT-Парк Фаргона филиали фаолияти борасидаги филиал раҳбари Баҳромжон Жалиловларнинг чиқиши ҳам беҳад эсда қоларли бўлди. Сифатли лойиҳа қандай бўлиши ҳақида гапирган компаниянинг энг ёш мутахассиси Қиличбек Қурбоновнинг фикр-мулоҳазалари, таҳлилий хулосалари ҳам жуда таъсирчан кечди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалида

ташкил этилган мазкур очиқ мулоқотда ёнимда ўтирган 1-босқич талаба қизлари Хушноза Алижонов ва, Одина Абдусаломова, Сарвиноз Исоқжоноваларнинг таассуротлари оламча эди. Бири “Ҳа, мен албатта дастурчи бўламан” деди ишонч билан, бири “Ҳамманинг қўлидан келади, дейишди. Демак, менинг ҳам қўлимдан келади” деди. Бири бўлса, “Ҳозир эшитганларимни ёдлаб олдим” дея завқу шавқини баҳам кўрди.

Дарҳақиқат, талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Фарангиза Кенжаева таърифича, айниқса, дастурчилик тадбиркорлигига эндигина киришган Ғулмуҳоммад Юлдашхонов бошчилигидаги талаба ёшларга компания вакиллари жуда ажойиб мотивация беришибди. Бир ғайратларига ўн ғайрат кўшилибди. Талайгина қизлар эса дастурчилик мубҳаму ўта мураккаб эмаслигини англашиб, салоҳиятларини ишга солишга қарор қилганлар.

Ҳадемай дунёга машҳур дастурчилар сафида фарғоналик ёшлар ҳам бўлади. Мана, кўрасиз!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг Фаргона  
вилоятидаги мухбири

ҚАЯЛОВА!

■ Реклама ҳуқуқи асосида

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ**  
**Андижон филиали**  
**жамоаси**

**Ватандошларимизни**  
**янгилашни ва**  
**навқиронлик рамзи —**  
**Наврўз байрами**  
**билан табриклайди.**

**“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА**  
**ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимиз халқини**  
**уйғониш ва яшариш,**  
**гўзаллик ҳамда нафосат,**  
**саховат ва мурувват рамзи —**

**Наврўз**  
**билан муборакбод этади!**

## НОВЫЙ ЗАКОН ОБ E-COMMERCE ПРИНЯТ В ПЕРВОМ ЧТЕНИИ. ЧТО ИЗМЕНИТСЯ?

Законодательная палата Олий Мажлиса в первом чтении приняла законопроект «Об электронной коммерции». Новая версия закона была разработана с целью развития местной сферы электронной торговли, а также повышения её доли в экономике Узбекистана.

Новая версия закона предусматривает право самозанятых лиц заниматься электронной коммерцией наравне с компаниями-юрлицами. Предложение легализовать индивидуальную онлайн-торговлю (например, продавцов в соцсетях) выдвигалось ещё в 2021 году.

В дополненной версии порядка составления электронных договоров теперь обозначены:

- допустимые требования оферты;
- особенности хранения электронных документов;
- порядок использования электронных систем;
- условия составления электронных документов и их юридическая сила.

Кроме этого, установлены допустимые способы проведения оплаты в электронной коммерции. Сюда входят наличные деньги, банковские переводы, оплата через платёжные системы, а также электронные деньги.



Согласно законопроекту, площадки электронной торговли будут должны создать систему безопасных платежей (эскроу-счета). В ней будут храниться деньги, выплаченные покупателем, до полного выполнения условий со стороны продавца.

Внедряется порядок импорта и экспорта цифровых продуктов (программное обеспечение, онлайн-услуги и др.), а также их таможенного оформления. Действующее законодательство не охватывает цифровой импорт-экспорт — как считают специалисты, это создаёт барьеры для торговли ими.

Также законопроект устанавливает правила, предотвращающие недобросовестную

конкуренцию. В частности, планируется запретить онлайн-продавцам:

- использовать поддельные интернет-ссылки и адреса;
- предлагать товары и услуги с нарушением прав интеллектуальной собственности;
- давать потребителям ложную или вводящую в заблуждение информацию;
- предоставлять неправильные сравнения и аналоги;
- вступать в предварительный створ с другими предпринимателями.

Наконец, документ устанавливает права покупателей в сфере электронной торговли — до этого были определены только права и обязанности продавцов.

## ЗАПУЩЕН САЙТ О ПРОГРАММЕ РЕЛОКАЦИИ И ВЫДАЧЕ ВИЗ ДЛЯ IT-СПЕЦИАЛИСТОВ

IT-Park запустил специальную программу привлечения в Ташкент специалистов в сфере информационных технологий и IT-компаний.

В рамках программы TashRush технопарк помогает иностранным IT-работникам адаптироваться после переезда, а также устроиться на работу в компании-резиденты IT-Park. IT-компании через него могут зарегистрировать юрлицо по принципу «одного окна», найти офис и подобрать персонал.

С начала 2022 года программой воспользовались свыше 3000 специалистов, работающих на зарубежных компаниях. Их опыт



и навыки послужат развитию квалификаций среди молодых IT-работников Узбекистана, отмечается в сообщении.

Ряд крупных зарубежных IT-компаний открыли офисы в Узбекистане. Сейчас в них работает более 5000 специалистов, а к

концу 2023 года эта цифра должна достигнуть 10 000. Благодаря им ожидается рост IT-экспорта до \$100 млн.

Также началась выдача IT-Visa — специальных рабочих виз для специалистов и инвесторов в отрасли IT. Соответствующее предложение в конце 2021 года выдвинул министр ИКТ Шерзод Шерматов.

Виза действует 3 года, в течение которых можно беспрепятственно пересекать границы Узбекистана. Для её обладателей действует упрощённый порядок получения вида на жительство. Кроме того, члены их семей получают гостевые визы.

### СИСТЕМА «АГРОСУБСИДИЯ» НАЧАЛА РАБОТАТЬ В ТЕСТОВОМ РЕЖИМЕ

В тестовом режиме начала работать единая инфосистема «Агросубсидия», передаёт пресс-служба Минсельхоза.

Разработкой занимались специалисты министерства и подведомственного «Центра цифровизации АПК». Система даёт возможность сельхозпроизводителям подавать онлайн-заявки на получение субсидий, связанных с внедрением водосберегающих технологий.

Система размещена на сайте [www.agrosubsidiya.uz](http://www.agrosubsidiya.uz), для её постоянной поддержки создан специальный Telegram-бот.

Цифровое решение ускоряет процессы сбора, рассмотрения и согласования материалов и документов по субсидированию. Посредством системы инициаторы могут подать заявку на получение субсидии по ряду направлений.

### ТЕХНОПАРК «ЯШНАБАД» БУДЕТ СОТРУДНИЧАТЬ С «КРЕМНИЕВОЙ ДОЛИНОЙ ИРАНА»

Инновационный технопарк «Яшнабад» и иранский технопарк «Пардис» подписали меморандум о сотрудничестве. Об этом сообщает пресс-служба Мининноваций.

Документ предполагает взаимодействие по ряду направлений. Трансфер оборудования и технологий производства технопарка «Пардис» в Узбекистан.

Реализация проекта «Бизнес-инкубатор» между инкубационными центрами, работающими в двух технопарках. В процессе молодые люди знакомятся с инновационным предпринимательством, что подтолкнёт развитие стартап-проектов в стране.

Проведение конкурса совместных стартап-проектов на сумму \$2 млн. и расширение производства новых продуктов на базе успешных стартапов по результатам конкурса.

«Пардис» открылся в текущем году, он расположен под Тегераном на площади 110 гектаров. Строительство шло с 2001 года. По данным иранских медиа, это самый крупный технопарк Юго-Западной Азии, за что его называют «Кремниевой долиной Ирана».

Инновационный технопарк «Яшнабад» создан указом президента в 2017 году. Он расположен в одноимённом районе столицы и занимает половину территории бывшего рынка «Янгиабад» (около 7,5 га).

Резиденты технопарка реализуют 53 инновационных проекта по ряду направлений, включая производство 3D-принтеров и микропроцессорных модулей, стройматериалов, фармацевтики и другие.

## «УЗБЕККОСМОС» ПОМОЖЕТ В ЦИФРОВИЗАЦИИ СЕЛЬХОЗ ОТРАСЛИ

Агентство космических исследований и технологий при Кабмине («Узбеккосмос») и Министерство сельского хозяйства договорились об использовании космических и геоинформационных технологий в рамках ускоренной цифровизации агропромышленного комплекса, а также утвердили план мероприятий по его реализации.

Также планируется использование беспилотных летательных аппаратов, современных технологий и программно-аппаратных комплексов для решения задач в области сельского хозяйства, совместная

разработка предложений по совершенствованию нормативной базы, стандартов.

По данным министерства, за последние 15 лет население страны с 27 млн. возросло до 35 млн. человек, площадь земель, отведенных на каждого человека, сократилась с 23 до 16 соток.

Для решения этих проблем ведомство предпринимает меры по эффективному использованию земельных и водных ресурсов, включая точный учёт земель, формирование базы данных о мелиоративном состоянии земель и др.





## КИМНИНГ МАОШИ КЎП?

Жанубий Кореянинг Samsung компаниясида 2021 йилда энг кўп маош олган топ-менежерлар маълум бўлди.

Мобил қурилмалар бўлинмасининг собиқ раҳбари Дон-Жин Кох 2021 йилда 11,8 млрд. вон (9,63 млн. доллар) ишлаб топди, жумладан, бонуслар — 4,04 млрд. вон (3,3 млн. доллар) ва пенсия нафақаси — 6,43 млрд. вон (5,2 млн. доллар). Кох декабрда лавозимини тарк этди.

Компаниянинг маиший техника бўлинмасини бошқарган Ким Хёк Сок ҳам ўтган йили истеъфога чиқди. У компаниянинг Кохдан кейин энг кўп маош олган раҳбари — 10,3 млрд. вон (8,4 млн. доллар).

Кўп маош олувчилар орасида учинчи — Ким Ки Нам ўтган йили яримўтказгичлар бўлинмасини бошқарган, ҳозир эса келажак технологияларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш бўлинмасига раҳбар. 2021 йилда у 8,64 миллиард вон (7 млн. доллар) ишлади.

## МУСИҚА ВА ФУТБОЛ БИРЛАШАДИ

Дунёдаги етакчи аудиостриминг платформаси — Spotify 2022 йил июл ойидан расман Испаниянинг “Барселона” клуби билан узоқ муддатли ҳамкорликни бошлайди.



Spotify “Барселона”нинг асосий ҳамкори бўлади ва унинг бренди 2022–2023 йилги мавсумдан бошлаб эркаклар ва аёллар жамоалари футболкалари ва машғулот кўйлақларининг олд қисмида пайдо бўлади. Стадион номига ўзгаради: Camp Nou ўрнига Spotify Camp Nou.

Ҳамкорлик эвазига каталон жамоаси 310 миллион долларни қўлга киритади. Spotify эса 30 ёшдан кичик 350 миллион атрофида ёш мухлислар базасига қизиқяпти.

## РАҚАМЛИ КЎЧМАНЧИЛАР

Роскомнадзор Instagram ижтимоий тармоғини Россия ҳудудида блоклашни бошлаганидан сўнг, фойдаланувчиларга ўз медиа маълумотларини сақлаб олиш учун икки кун муҳлат берганди. Шун-



дан сўнг Instagram фойдаланувчилари, блогерлар, машҳур шахслар ва ҳатто ҳукумат амалдорларигача Telegramга кўчишни бошлади.

Telegram каналлари бўйича статистика маълумотлар улашиб борувчи Tgstat.ru берган маълумотларига кўра, Instagramни блоклаш эълон қилинганидан сўнг, ҳали ёпилмасидан олдин, 13 март санасида рус телеграм-каналларига 40 миллиондан ортиқ янги обуначилар қўшилган.

Миллионлаб янги фойдаланувчилар оқими ва ҳар куни ўн минглаб янги каналлар яратилишига қарамай, Telegram бардош бермоқда, дейилади Telegram Analytics хабарида.

## АҚЛЛИ ВЕНТИЛЯТОР ВИРУСЛАРГА ҚАРШИ

Xiaomi компанияси ҳам хона ҳавосини тозалайдиган, ҳам вирусларга қарши курашувчи вентилятор ишлаб чиқарди.

MIIJA Smart Bladeless Purification Fan деб номланувчи ушбу қурилма 80–90 нанометр ҳажмдаги майдонда 99,96 фоиз самара билан ўз ишини бажаради. Бактерия, ви-

руслар ва микробларга қарши курашувчанлигини узоқ вақт сақлаб қола олади.

Вентилятор шовқинсиз ишлайди ва масофадан бошқарилади.

## “ИНТЕРНЕТСИЗ” АМЕРИКА

Маълумотларга кўра, 40 миллиондан ортиқ америкалик интернетга уланмаган. Бироқ интернетдан фойдаланади. Қандай қилиб?

Масалан, T-Mobile операториникига ўхшаган 5G уй интернетини бор экан, сим тортиб келишга ҳожат йўқ. Ойлик тўлови — 50 доллар.

Фойдаланиш қулай, уста чақирришга ҳожат йўқ. Шунчаки интернет тарқатиш нуқтаси ёқилади, мобил илова юклар олинади ва созлаш босқичларидан ўтилади. Буларнинг ҳаммасига 15 дақиқа




ҳам вақт кетмайди. Агар созлашда муаммо юзага келса, техник қўлаб-қувватлаш марказига мурожаат қилинса kifoya.

Хабарларга кўра, 30 миллиондан зиёд америкалик 5G уй интернетидан фойдаланмоқда.



## Халқаро ҳаёт



## ҚОЗОҒИСТОН СУПЕРПРЕЗИДЕНТЛИК ТИЗИМИДАН ВОЗ КЕЧАДИ

Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев 16 март куни мамлакат халқига мурожаат йўллади. Мурожаатда жиддий сиёсий ислохотларни амалга оширган ҳолда янги Қозоғистон барпо этилиши эълон қилинди.

Президент Тўқаев кўплаб таклиф ва ғояларни илгари сурди. Хусусан, сиёсий монополиядан босқичма-босқич воз кечилади ва Қозоғистон суперпрезидентлик бошқарув шаклидан кучли парламентга асосланган президентлик республикаси тизимига ўтади.

Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий кенгаш ва Ҳисоб қўмитаси раҳбарияти партия аъзоларидан чиқади. Мамлакатда Конституциявий суд ва миллий қурултой шакллантирилади.

Партия таъсис этиш жараёни соддалаштирилади, рўйхатга олиш бўйича имзолар сони талаби 5 минггача камайтирилади.

Президентнинг Сенатдаги квотаси 15 нафардан 10 нафарга камайтирилади. Президентнинг яқин қариндошлари сиёсий лавозимларни эгаллаши ман этилади. Ҳокимларнинг ўринбосарлари сони 3 нафардан ошмайди.

Тўқаев яқин муддатда етакчи Amanat партияси раислигидан кетади. Умуман, Қозоғистон президентларига партия аъзоси бўлишни истисно этувчи тартиб жорий этилади.

ОАВ тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқилади. Матбуотнинг айрим шахслар буюртмасига кўра ишлашига йўл қўйилмайди.

Илгари сурилган таклифларни амалга ошириш учун Конституцияга 30га яқин ўзгаририш киритилиши кутилмоқда.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ УКРАИНАНИ ЎЗ ЭЛЕКТР ТАРМОҒИГА УЛАДИ

Европа иттифоқи Украинани ўз электр тармоғига улади: энди украинлар Россиядан эмас, балки континентал Европада келган электр токини ёқишади, деб хабар берди ВВС.

Украина президенти Владимир Зеленский ушбу ўзгаришга қўл урган ЕИ амалдорларига миннатдорлигини билдирди.



Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен воқеани “зулматли даврда украин хонадонларига ёруғлик ва илиқлик олиб кириш учун” ташланган қадам, дея таърифлади.

## ЕВРОПА КЕНГАШИ РАСМАН РОССИЯНИ АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРДИ

Европа кенгашининг Вазирлар қўмитаси расман Россияни аъзоликдан чиқарди. Ташкилот сайтидаги хабарга кўра, Россиянинг аъзолиги 16 мартдан тўхтатилди.

Европа кенгашининг Страсбург (Франция) даги штаб-квартираси олдидаги Россия байроғи туширилди.

Бир кун аввал Россия ташқи ишлар вазири Европа кенгаши бош котибига ташкилотдан чиқиш тўғрисидаги хатни тақдим этганди.

## ЯПОНИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА ЮЗ БЕРДИ



16 март куни маҳаллий вақт билан соат 23:36да Япония шимоли ва шимоли-шарқда кучли зилзила содир бўлди. NHK телеканали хабарига кўра, зилзила кучи 7,3 баллгача етган. Зилзила маркази 60 километр чуқурликда жойлашган.

Ер қимирлаганидан сўнг баландлиги бир метргача бўлган цунами хавфи эълон қилинди. Аҳоли қирғоққа яқинлашмаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Tokyo Electric Power Company хабарига кўра, 9 префектурадаги 2,09 миллиондан ортиқ хонадонда электр ўчиб қолган. Тохоку линиясида “Синхансэн” тезватор поезде издан чиқиб кетган: 100га яқин йўловчининг ҳеч бири жароҳатланмаган, барчаси хавфсиз жойга кўчирилган. Япония ОАВ хабарларига кўра, ер қимирлаши оқибатида “Фукусима-1” ва “Фукусима-2” АЭСда носозликлар юз бермади.

Цунами хавфи ўтиб кетди. Мияги префектураси соҳилларига тахмин қилинган 1 метрлик ўрнига 20 сантиметрлик сув тўлқинлари етиб келди. Зилзила оқибатлари ва жабрланганлар ҳақидаги маълумотга аниқлик киритилмапти.

“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиалида касабакўмчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўзбектелеком” АК ва Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2020–2022 йиллар учун тузилган Ягона жамоа шартномасининг 2021 йил давомида бажарилиши яқунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишни филиал тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари Ферузбек Рахимов олиб борди.

Таъкидландики, филиалда меҳнат ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг турмуш даражалари пасайишининг олдини олиш бўйича мажбурийлар муваффақиятли бажарилди. Бу фаолият филиал жамоаси эришган ютуқларда ҳам ўз аксини топди. Вилоят халқ хўжалиги ва аҳолисига хизмат кўрсатиш 2020 йилга нисбатан 1,44 бараварга кўпайди. Интернетдан фойдаланувчи мижозлар сони 2021 йил 44419 нафарни, шу жумладан, аҳолида 38261 нафарни, юридик шахсларда 2522тани ташкил қилган бўлса, 2022 йил январ ҳолатига 73010 нафарни, шу жум-

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ЮТУҚЛАРДА НАМОЁН

ладан, аҳолида 57117 нафарни, юридик шахсларда эса 15893тани ташкил қилмоқда.

Филиалда ўтган йил мобайнида иш ҳақи Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,8 баробарини ташкил қилди ва Ягона жамоа шартномасининг 8.2.1 банди талаби бажарилди. Филиал ишчи-ходимларининг 37 нафари йўлланмалар билан таъминланди ва улар санаторийларда саломатликларини яхшилаб олдилар. Ишчи-ходимларнинг фарзандларидан 48 нафарига филиал маблағлари ҳисобидан йўлланмалар харид қилиниб, соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдиларди. Иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича иқлими ва зарарли иш шароитида ишлаётган алоҳида тоифадаги 86 нафар ишчи-ходимга устама ҳақ, шунингдек, узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган 939 нафар ходимга эса узлуксиз иш стажи бўйича қўшимча ҳақ тўланди.

Кўп йиллар хизмат вази-фаларини виждонан бажариб келаётган пенсия ёшига етган ва юбилейлари му-

носабати билан 78 нафар ишчи-ходим моддий рағбатлантирилди. Навбатдаги меҳнат таътилига чиққанлар, меҳнат фаолиятини яқунлаганлар ва яқинлари вафот этганларга ҳам меҳру оқибат кўрсатилиб, моддий ёрдам берилмоқда. Кўп йиллик меҳнат фаолияти, соҳа ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси, Устоз-шогирд анъанасини давом эттириб, яна бир нафар ходим “Ўзбектелеком” АКнинг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Яна шуни ҳам мамнуният билан қайд этиш керакки, ёлғиз пенсионерлар, 34 нафар 2 ёшгача бола ва 12 нафар 2 ёшдан 3 ёшгача бола таътилидагиларга, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилдаги аёлларнинг 9 нафарига нафақа пуллари ажратилди.

Йиғилишда ходимлар ва иш берувчининг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, соҳада ижтимоий тотувлик ҳамда барқарорлиқни сақлаш бўйича маъмурият билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар тўғрисида фи-

лиал касоба уюшма қўмитаси раиси Муроджон Азамовнинг маърузаси тингланди.

Маърузада 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили Давлат дастури асосида Республика кенгаши томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг, барча бандларнинг бажарилишида маъмуриятнинг фаол иштироки таъминланганлиги бўйича тўла маълумот келтирилиб, бу солиҳ амаллар “Xabar” газетасида мунтазам равишда ёритиб борилгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида Азиза Абдуллажоновна, Бунёдjon Розиков, Зокирjon Тўйчиев, Исломjon Нишонов ва бошқалар аҳиллик ва бирдамликни янада ошириш бўйича жамоа бўлиб дам олиш анъанасини тиклаш, тиббий сугурта ва бир қанча масалалар юзасидан ўз таклифлари билан чиқдилар.

Йиғилишда маъмурият Ягона жамоа шартномасида белгиланган шартларни бундан кейин ҳам тўла ва ўз вақтида бажариб бориш чоралари кўрилиши ургуланди.

С.ҲАФИЗОВА

### ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 14 мартда “ALSKOM” АЖ сугурта компанияси томонидан 10 000,0 минг сўм, “Ўзбектелеком” АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пуллари келиб тушди. Мазкур маблағлар “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Саодатхон Алимджанова (Мирзахолова)га 2008 йилда Топкент шаҳар, Олмазор туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан берилган U №3450123 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

■ Реклама ҳуқуқи асосида

## “Ўзбектелеком” АК ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Серқуёш ўтқамизини  
Кўп миллатли халқини кириб келаётган  
Наврўз айёми  
билан самимий қутлайди!*



# АЁЛ ФАОЛ БЎЛСА...

Кексаларга эҳтиром

## САВОБ АМАЛЛАР ФАРЗДИР

Кексаларга бўлган ҳурмат-эҳтиром, айниқса, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, уларнинг ўқисик қўнгилларига йўл топишдек савобли амаллар фарздир. Айниқса, яшариш ва янгилиниш, саховат ва эзгулик байрами – Наврўз арафасида бу азалий қадриятларимиз, урф-одатларимиз янада яққолроқ намоён бўлиб, меҳр ва мурувват хислатларини ўзига жо этган анъаналаримиз ҳар жабҳада акс этади.

“Электромагнит мослашув маркази” ДУК ходимлари ҳам, барча саховатпеша ватандошларимиз каби, мунтазам равишда турли хайрия тадбирларида иштирок этиб келади. Наврўзодди ўтказилган хайрия тадбирларидан бири доирасида корхона ходимлари Тошкент вилояти, Куйичирчиқ тумани, Жумагул МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Наталя Пряткина ҳолидан хабар олишди. Онахонни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ходимлар томонидан йиғилган пул маблағлари эвазига харид қилинган меbel жиҳозлари, қурилиш материаллари ва озик-овқат маҳсулотларини олиб боришди.

Онахон хайрия тадбирига ҳисса қўшган барча “ЭМММ” ДУК ходимларига ўз миннатдорлигини билдирди.



## Шифобахш неъмат

Халқимизнинг энг сеvimли миллий таомларидан бири сумалак бугдой дони кўкагидан тайёрланади. Кўп асрлар давомида уни тажрибада синаб, текшириб, сумалакнинг шифобахшлигига ишонч ҳосил қилинган. Хусусан, қишдан баҳорга чиқиш – дармонсизлик, илик узилди пайтда сумалак кони фойда.

■ Сумалак баҳорнинг шифобахш таоми бўлиб, у қонимизни тозалаб, жисмимизни тетиклаштириб, куч-қувватимизни оширади.

■ Сумалакда шакар моддаси, оқсил, фойдали жавҳарлар (кислота), дармондорилар мўл бўлади.

■ 1936 йилда бугдой ўсимтасини текширган Эмерсон ва Эванс исми неmis олимлари бугдойда токоферол моддаси борлигини аниқлаб, у женцен таркибида учрайдиган E витаминининг ўзгинаси эканлигини исботлашган.

■ Олимларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталиқларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилади, меъда-ичак фаолиятини меърага келтиради, асабни тинчлантиради, жиди ухлатади.



мининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланаётгани эса бошқаларни фаолликка, изланишга ундаяпти. Фаолиқ, изланиш бор жойда доимий ҳаракат бўлади, ҳаракатга қараб эса барака.

Гулсора Тилакова 1963 йилнинг 4 июнида Косон туманининг Наргичукур маҳалласида таваллуд топган. Тумандаги собиқ Пушкин номидаги мактабдан сўнг Косон ахборот технологиялари коллежининг бухгалтерия йўналишини тамомлаган. Гулсора опа меҳнат фаолиятини аввалги “Қаршистрой”га қарашли корхонада бухгалтерликдан бошлаган, сўнг туман кутубхонасида бухгалтер, 2002 йилдан почта алоқа соҳасида фаолият юритади. Дастлаб пенсия бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Кейинчалик тармоқ бош ҳисобчиси ўринбосари, 2019 йилдан тармоқ бошлиғининг ўринбосари, эксплуатация ишлари бўйича муҳандис вазифасида ишлаб келмоқда. Маҳмуд Ҳақбердиев, Ҳалима Муфтиллаева, Мария Нефёдова, Дониёр Раимов, Отабек Мирзаев сингари соҳа фидойиларини устоз деб билган Гулсора опанинг Матлуба, Азиза, Моҳира, Наргиза исми шоғирдлари бор.

Гулсора опа турмуш ўртоғи Сайфулла Ҳайдаров билан беш нафар фарзандни вояга етказишди, уларни маълумотли қилишди. Оилада сеvimли бека, маҳаллада ибратли аёл саналган Гулсора опа ўз бахтини меҳнат ортидан топганлардан.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
“Хабар”нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

– Ортда қолган йил биргина туманимиз халқи учун жуда эсда қоларли йил бўлиб қолди, – дейди Косон почта алоқа боғламаси бошлиғининг ўринбосари, эксплуатация ишлари бўйича муҳандис Гулсора Тилакова. – Сабаби, барча жабҳаларда катта ўзгаришлар бўлди, улкан ютуқлар қўлга киритилди. Республикаимиз бўйлаб амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган бир-биридан кўркам иншоотлар, таълим муассасалари кўрган кўзни қувонтиради. Жумладан, туманимизнинг маркази ҳам, чекка-чекка қишлоқлари ҳам ўзгача чирой очди ва бу эзгу ишлар давом этяпти. Туманимиз тараққиётига бизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз қўшилаётганидан хурсандимиз.



Буни тўғри тушуниб етган боғлама раҳбарияти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ютуқларга ҳисса қўшган илғор ходимларнинг вазирлик, жамият, филиал, туман ҳоки-



**КАЙСИ  
КОРХОНА-  
НИНГ МОД-  
ДИЙ-ТЕХ-  
НИК БАЗАСИ  
МУСТАҲКАМ  
БЎЛСА,  
ЎША ЖОЙ-  
ДА ИШЛОВ-  
ЧИЛАРНИНГ  
МЕҲНАТ  
УНУМДОР-  
ЛИГИ ҲАМ,  
КАЙФИЯТИ  
ҲАМ ЮҚОРИ  
БЎЛАДИ.**

Албатта, қайси корхонанинг моддий-техник базаси мустаҳкам бўлса, ўша жойда ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам, кайфияти ҳам юқори бўлади. Бугун боғламада туман аҳолисига почта хизматини кўрсатишда автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида барча туман почта алоқаси тармоқларида пластик карточкалар учун терминаллар ўрнатилган.

Республикаимиз алоқа ва ахборот технологиялари соҳаси тобора ривожланиб, янгиликлар билан бойиб бораётган бугунги кунда кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш жуда муҳимдир. Чунки, ҳар қандай замонавий техника ва “ноу-хау” ҳам малакали кадрсиз оддий буюмга айланиб қолиши турган гап.

<p><b>Xabar</b></p> <p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p><b>Bosh muharrir:</b> Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOŠHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p><b>MANZILIMIZ:</b> 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p>													
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.</p>													
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>G-359 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3332</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>												
<p>Viloyat muxbirlari:</p> <table border="0"> <tr> <td>Andijonda (74) 226-47-80</td> <td>Buxoroda (99)854-7305</td> <td>Jizzaxda (94) 199-95-64</td> <td>Namanganda (91) 353-71-25</td> <td>Navoiyda (79) 225-91-10</td> <td>Nukusda (554) 35-45</td> <td>Samarqandda (91)557-84-44</td> <td>Termizda (99)508-30-52</td> <td>Toshkentda 234-18-59</td> <td>Urganchda (97) 211-65-05</td> <td>Farg'onada (73) 244-18-05</td> <td>Qarshida (93)931-08-99</td> </tr> </table>					Andijonda (74) 226-47-80	Buxoroda (99)854-7305	Jizzaxda (94) 199-95-64	Namanganda (91) 353-71-25	Navoiyda (79) 225-91-10	Nukusda (554) 35-45	Samarqandda (91)557-84-44	Termizda (99)508-30-52	Toshkentda 234-18-59	Urganchda (97) 211-65-05	Farg'onada (73) 244-18-05	Qarshida (93)931-08-99
Andijonda (74) 226-47-80	Buxoroda (99)854-7305	Jizzaxda (94) 199-95-64	Namanganda (91) 353-71-25	Navoiyda (79) 225-91-10	Nukusda (554) 35-45	Samarqandda (91)557-84-44	Termizda (99)508-30-52	Toshkentda 234-18-59	Urganchda (97) 211-65-05	Farg'onada (73) 244-18-05	Qarshida (93)931-08-99					